(?-1516),
(1511-1516)

Хоразмда хукмрон бўлган шайбонийлар сулоласи асосчиси ва хони, Берка Султоннинг ўгли Чингизхоннинг набираси Шайбон авлодидан. Отаси Берка султон Шайбонийхон томонидан катл килингандан сўнг (ХВ асрнинг 80-йилларида), укаси Билбарс билан ўз улуси (Сирдарёнинг куйи окимида) истикомат килган. 1510-йилда сафавийлар хукмронлигига карши Хоразмда Умар бошчилигида кўзголон бошланади. Хоразмда хокимият тепасига янги сулола вакили келишини машхур Сайидота аждоди уюштирди. Унинг ташабуси билан Шайбонийхон томонидан катл этилган Берка Султоннинг ўгли Элбарсхон тахтга ўтказилади. 1511-1512-йилларда Элбарсхон бошчилигида Хоразм халки Эрон кўшинларини мамлакатдан кувиб чикаради. Шу тарика 1511-йилда Хоразм мустакиллиги тикланди. Элбарсхон даврида мамлакат пойтахти Вазир шахридан Урганч шахрига кўчирилди. Элбарсхон Вазир шахрини Эрон козилбош кўшинларидан озод этгач, бу галаба шарафига ўз ўгиллари номига “гози” лакабини кўшиб айтишни буюрган. Орадан кўп вакт ўтмай, Элбарсхон Урганч, Хива, Хазорапс, Киёт ва Тирсак шахарларидан сафавийларни кувиб чикарди.
Елбарсхон давридаёк хонликнинг сиёсий географияси шаклланиб бўлган. Чунончи, хонлик гарбда Каспий денгизи, шимолда Орол денгизи, жанубда эса Атрек дарёси ва Сарахс атрофларигача бўлган худудларни ўз ичига олган. Унинг давлати марказлашмаган, кучсиз бўлиб, майда улусларга таксимланган холда бошкарилган. Мазкур улуслар Элбарсхон хокимиятига тобе хисобланса-да, амалда мустакил идора килинган. Элбарсхон даврида Дашти Кипчокдан Хоразмга кўчманчи кабилларнинг кўчиб келиши янада кучайди. Натижада, хонлик хукмдорларининг ижтимоий таянчи мустахкамланди.